

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 1 февраль, № 24 (7526) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БОЙ ТАРИХИМИЗГА МУНОСИБ БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ БАРПО ЭТАДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 январь куни пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий-тадқиқот институтларига ташриф буюрди.**



Мазкур ҳудудда илм-фаннинг турли йўналишларида бир неча илмий-тадқиқот институти фаолият олиб боради.

Маълумки, 2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида шу борадаги мақсадларга тўхталар экан, ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геологияда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шароит яратилиши белгиланди.

Бугунги кунда ер қаърини геологик ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги 4 та муассаса — Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Минерал ресурслар институти, Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув институти томонидан олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур институтлар негизида яхлит мажмуа — Геология фанлари университети ташкил этилиши режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу университет кампусига тамал тоши қўйди.

Мазкур муассаса таълим ва илм-фан кластери шаклида ташкил этилади. 4 та институтнинг моддий-техника базаси ва илмий кадрлар салоҳияти бирлаштирилиб, энг илғор ускуналар билан жиҳозланади. Санкт-Петербург тоғкон университети ва бошқа нуфузли даргоҳлар билан ҳамкорликда таълим дастури йўлга қўйилади.

Янги университетнинг аҳамиятини тушуниш учун биргина мисол: мамлакатимизда йилига кўплаб йирик конлар топиляпти. Ана шу конлардаги хом ашёни қайта ишлаш корхоналари қуриляпти. Лекин уларда ишлайдиган, замонавий техникани ўзлаштирган маҳаллий кадрлар етишмаслиги сабабли минерал ресурсларимиз хорижлик мутахассислар ёрдамида ўзлаштириляпти. Натижада табиий бойликларимизнинг каттагина қисмини уларга беришга тўғри келмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, янги фаолият бошлайдиган университет тоғ-кон саноатида ишлайдиган, геологиянинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган мутахассислар тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

— Бир пайтлар Ўзбекистонда геология анча ривожланган, рақобатбардош соҳа эди. Ҳатто бошқалар келиб, юртимиз мутахассисларидан тажриба ўрганиб кетарди. Лекин охирги ўттиз йилда бу соҳа эътибордан четда қолиб кетди. Бор салоҳиятни сақлаб қололмадик. Олимларга йўналиш, рағбат бўлмади. Замонавий кадрлар етишиб чиқмади. Аслида геологик тадқиқотлар иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари учун керак. Ташхиссиз беморни операция қилиб бўлмаганидек, геологиясиз саноатни ривожлантириб бўлмайди. Биз бугун шу соҳа ривожига асос бўладиган илм даргоҳига пойдевор қўймоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Геология фанлари университети қурилишига оид лойиҳалар билан танишди. Ўқув бинолари ва лабораторияларни чет эл тажрибаси ҳамда муайян касб йўналишларидан келиб чиқиб қуриш, майдонлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ташриф буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда эса йил номига муносиб равишда бундай эътибор янада кучайтирилади. Соҳадаги долзарб масалалар ҳал этилиб, илмий тадқиқот фаолияти қўллаб-қувватланади. Янги илмий муассасалар ва йўналишлар ташкил этилиши шулар жумласидан.

2019 йил 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Уни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий платформасини яратиш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Фанлар академияси ва унинг институтларига “янгидан ҳаёт бахш этиш” натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етди. Академияга сайловлар қайта тикланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўтган уч йилда илм-фан соҳасини молиялаштириш 4 карра кўпайди. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақлари 3 баробар оширилди. Фан доктори ва номзодлари учун алоҳида устама ҳақ белгиланди. Жорий йилдан Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар тўғридан-тўғри Давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишини таъкидлади.

— Энди олимларимиз ҳам масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, тадқиқотларнинг амалий натижалари билан тегишли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Академиклардан ҳам, илм-фан соҳасига илк қадам қўйётган ёш олимлардан ҳам катта шижоат ва амалий натижадорлик талаб этилади, — деди Президент.

Мамлакатимизда математика, кимё-биология ва геология илмларини ривожлантириш, келгуси йилларда тараққиёт йўналишларини белгилаш тўғрисида очиқ мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинганини, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактабларимиз фаолият юритаётганини, етти нафар математик олим Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси эканини алоҳида таъкидлади.

Кўплаб хорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид қарори ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев учрашувда математикада илмий тадқиқотларни амалиёт билан боғлаш, рақамли иқтисодиёт учун мустаҳкам пойдевор яратиш борасидаги долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ёшларда математика фанига қизиқишни кучайтириш, иқтидорли болаларни селекция қилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ва кейинчалик олий таълим муассасаларига қамраб олиш ишларини тўғри ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Болалар учун мазкур фандан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, математик онгни, керак бўлса, бочкадан бошлаб шакллантириш вазифаси қўйилди.

— Математика ҳамма аниқ фанларнинг асосидир. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади, — деди Президент.

Ҳар бир туман марказида биттадан математика фанига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиб, уларда ишлайдиган ўқитувчиларга қўшимча устама ҳақлар тўлаш бўйича кўрсатма берилди. Ушбу муассасаларда ўқув жараёнини илмий-методик таъминлаш учун Фанлар академиясининг Математика институти ҳамда Халқ таълими вазирлиги масъул этиб белгиланди.

Математика фани бўйича ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар ўртасида турли танловлар ўтказиб, ғолибларни муносиб рағбатлантириш, олимпиада тизимини такомиллаштириш ҳолда совриндорларга бериладиган мукофотларни кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, математика фанидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Бундай сертификат эгасига олий ўқув юртига ўқишга киришда математика фанидан максимал балл берилади.

Юқори малакали педагоглар ва илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизими самарасини ошириш, Математика институтида илмий даража берувчи кенгашга тўлиқ мустақиллик бериш лозимлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда математика фани бўйича нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш, Давлат бюджети ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан ҳар йили 100 нафар олимни хорижидаги илмий тадбирлар ва стажировкаларга юбориш юзасидан топшириқлар берилди.

Бугун Ўзбекистонда кимё йўналиши бўйича тўртта илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд, уларда 250 нафардан зиёд илмий ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Яратилган ишланмалар асосида янги ўғитлар, дефолиантлар, ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз кимё соҳаси минерал ўғит ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани, бу йўналишдаги таълим ва илмий тадқиқотларни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Илмий ишланмаларни жорий қилиш самарадорлигини ошириш, бунинг учун тадқиқотларнинг тармоқ корхоналари эҳтиёжига ҳамоҳанглигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

“Ўзкимёсаноат” ва “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятларига ўз тизимидаги йирик корхоналарда замонавий инфратузилмага эга тажриба-ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этиш, уларни фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига йўналтириш эса Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юкланди.

Минерал ресурслардан фойдаланиш унумдорлигини ошириш мақсадида “Кўмир ва материаллар кимёси” илмий-тажриба лабораторияси, Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида “Кўмир кимёси ва технологияси” илмий йўналишини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Замонавий қурилиш материаллари яратиш бўйича янги илмий муассасалар, хусусан, янги композит материаллар ва инновацион кимё технологиялари бўйича тадқиқотлар олиб борадиган лаборатория тармоғини ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Биология фани фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун фундаментал ва технологик асос бўлиб хизмат қилади. Бугун бу йўналишдаги 7 та илмий-тадқиқот муассасасида 600 нафарга яқин илмий ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз жаҳон бозори ва илм-фандаги тенденцияларни қайд этиб, агро ва биотехнологиялар, озиқ-овқат, жумладан, фудомикс, био-тиббиёт ва фарма-биотехнологиялари йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича топшириқ берди.

Озиқ-овқат таркиби ва унинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни тарғиб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ботаника институти фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Мамлакатимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг рақамли давлат кадастрини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Бу юқори даражадаги илмий тадқиқотларни режалаштириш, биологик муҳофаза чораларини белгилаш, соҳа ривожига оид муҳим амалий қарорларни қабул қилиш имкониятини яратади.

Тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ДНК ва ҳужайравий технологиялар, генетик таҳлиллар, янги биоматериаллар ва биополимерларни ишлатиш амалиётини ривожлантириш, саломатлик истеъмолчилар билан илмий-тадқиқот институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир устувор йўналиш — бу саноат учун минерал хом ашё базасини таъминлаш билан боғлиқ бўлган геология соҳасидир.

Мамлакатимизда фойдали қазилмаларнинг 70 дан зиёд тури бўйича 2 мингдан ортиқ конлар аниқланган. Лекин қазиб олиш ва қайта ишлаш осон бўлган конлар тобора камайиб бормоқда.

Янги конлар топиш учун ер қаърининг янада чуқурроқ қатламларини геологик ўрганиш, мураккаб таркибли конларни ўзлаштириш бўйича соҳага илмий асосланган илғор усуллар ва инновацион технологияларни кенг жорий қилишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Тошкентда ташкил этиладиган Геология фанлари университети мазкур мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни фаоллаштириш, бунга давлат мақсадли грантлари билан бирга хорижий грантларни ҳам жалб этиш зарурлигини қайд этди.

Геология ва кон-металлургия комбинатлари салоҳиятини бирлаштириш, замонавий Геоинновацион технологиялар лабораторияси ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, “Рақамли геология” ва “Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий электрон базаси” лойиҳаларини амалга ошириш, талабаларга юқори аниқликдаги космик суратлар асосида ерни масофадан зондлаш усулларини ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва докторантура тизимининг натижадорлигини рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Диссертацияни муддатидан аввал ҳимоя қилган докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари ёки маслаҳатчиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида тежалган маблағнинг тўлиқ тўлаб бериш амалиётини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Мутасаддиларга илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган илм-фан, технологик ва инновацион тараққиёт асосларини белгилаш вазифаси қўйилди.

— Бизнинг буюк тарихимиз бор, буюк келажагимизни барпо этадиган замон келди, — деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Танқидий-таҳлил руҳида ўтган очиқ мулоқотда илм-фан йўналишларида ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, ёш тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари талабалари сўзга чиқиб, мазкур тарихий мулоқотда мамлакатимиз тараққиёти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган илм-фан соҳаси бўйича долзарб масалалар ўртага ташланганини таъкидлади. Аниқ фанларни ривожлантириш, математика, кимё-биология, геология йўналишларида илмий тадқиқотларни кенгайтириш, олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, билимли, малакали кадрлар тайёрлашни янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари олимлар ва ёшлар билдирган таклифлар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# БУЮК ҚАЛБ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

***Яқинда Ҳиндистонда атоқли давлат ва жамоат арбоби, ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Гандининг бу йил нишонланадиган 150 йиллиги муносабати билан “Мен англаган Ганди” номли китоб-антологияси инглиз тилида нашр этилди.***




Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган ушбу салмоқли китобга атоқли давлат раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, адиблар ва олимларнинг Маҳатма Ганди ҳақидаги фикрлари жамланган.

Тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон озодлиги ва истиқлолининг асосчиси бўлган Маҳатма Гандининг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти, юксак инсоний фазилатлари ҳақида эҳтиром билан баён этилган фикрларига кенг ўрин берилган.

Маълумки, Президентимиз Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 2018 йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари давлат ташрифи, 2019 йил 17-18 январь кунлари “Жўшқин Гужарат — 2019” халқаро инвестиция саммити муносабати билан Ҳиндистонга ташриф буюрган эди. Олий даражадаги мазкур ташрифлар натижасида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий йўналишлардаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда.

Ташриф доирасида Маҳатма Гандининг “Менинг ҳаётим” номли машҳур китоби Тошкентда давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан ўзбек тилида нашр этилган эди.

Президентимизнинг “Мен англаган Ганди” китоб-антологиясига киритилган “Буюк қалб соҳиби” номли мақоласида, жумладан, шундай фикрлар билдирилган:

**“Маҳатма Ганди аввало буюк мутафаккир ва гуманист, ҳинд халқининг доҳийси эди. Ана шундай беназир фазилатлари, ўз халқига бўлган улкан муҳаббати ва садоқати туфайли у Ҳиндистоннинг қон тўкмасдан миллий мустақилликни қўлга киритиши йўлида чексиз фидойилик кўрсатди. Унинг “аҳимса”, яъни, зулмга қарши куч ишлатмаслик ҳақидаги таълимоти маърифий дунё аҳли орасида айниқса машҳурдир.**

**Ганди нафақат ўз юртида, балки бутун ер юзида зулм ва зўравонликка барҳам беришга муносиб ҳисса қўшди. 2007 йил 15 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2 октябрь “Халқаро зулмга қарши кураш куни” деб эълон қилиниб, Ганди таълимоти жаҳон миқёсида эътироф этилди.**

**Маҳатма Ганди адолат ва ҳақиқатни зулм ва истибдодга қарши қўйиб, инсон ўзининг собит иродаси билан нақадар беқиёс куч ва имкониятларга эга эканини исботлади”.**

Дарҳақиқат, ҳинд халқининг улуғ намояндаси ўз умри ва сиёсий фаолияти давомида не-не синов ва машаққатларга дуч келганини дунё афкор оммаси яхши билади. Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, у эътиқоди ва танлаган йўлидан ортга қайтмади. Ўз халқига, унинг олижаноб фазилатларига, Ҳиндистоннинг ёруғ келажагига бўлган қатъий ишонч унга энг оғир ва мушкул вазиятларда ҳам куч-қувват бахш этди.

**“Маҳатма Ганди том маънода халқ йўлбошчиси эди**, — дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. — **У ёшлигидан бошлаб то умрининг охиригача халқ хизматида бўлишни бутун ҳаётининг маъно-мазмуни, ўзи учун юксак шараф деб билди. Ўзи қуйи табақага мансуб бўлгани учун эл-улуснинг орзу-армонлари, дарду ташвишлари унга ниҳоятда яқин эди. Бепоён Ҳиндистонни бошдан-оёқ пою пиёда кезиб чиққан Маҳатма Ганди миллионлаб одамлар, аввало, мискин ва йўқсиллар, бева-бечора ва ногиронларнинг дардига малҳам бўлишга интилди. Нафақат ўз юрти, балки жаҳон миқёсида улкан обрўэътибор ва ҳурматга сазовор бўлганига қарамасдан, ҳамиша камтар ва камсуқум умр кечирди”.**

Ушбу сермазмун китоб жаҳон тарихидан муносиб ўрин олган улуғ мутафаккирнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ҳаққоний акс эттириши билан бир қаторда, ўқувчиларни ҳинд халқи, унинг қадимий тарихи ва бой маданияти билан яқиндан таништиришга хизмат қилади.

**ЎзА.**



## Аҳоли бандлиги:

# ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бир қатор қонун лойиҳалари сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар иштирокида қизғин муҳокама қилинмоқда.*

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси 12 боб, 130 моддадан иборат бўлиб, бир қатор янги прогрессив нормаларни ўз ичига олган. Жумладан, иш ўринларини яратиш ҳамда бандликни таъминлашни рағбатлантириш, ишсизликни камайтириш бўйича аниқ чоралар қўллаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби бир қатор янги нормалар белгиланмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасидаги айрим нормалар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари томонидан қонун лойиҳаси тадбиркорлик кўламини кенгайтириш, унинг янги кўринишларини жорий қилиш, шунга кўра, янги иш жойлари яратишга, иқтисодий ўсишни юқори малакали ишчи кучи билан таъминлашга ҳуқуқий-институционал имкониятлар яратиши билан жиддий эътиборга моликлиги қайд этилди.

Қолаверса, қонун лойиҳасини "Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида", деб номлаш таклифи илгари сурилди. Таъкидланишича, бу мажбурий меҳнатга олиб келувчи барча ҳуқуқий асосларни буткул тугатиш, аҳолининг эркин меҳнатга иштиёқини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига тўхталиб, унда ишсиз ва банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилгани, шунингдек, ишсиз, деб эътироф этиш, ишсизлик даврида ижтимоий ҳимоя ва компенсация бериш тартиблари соддалаштирилганини қайд этди. Мисол учун, айни пайтда ишсиз фуқароларга бериладиган компенсация 237 минг сўмни ташкил этади ва бу унинг эҳтиёжларини қоплай олмайди. Қонун лойиҳасида ушбу миқдорни 2,5 баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада иш билан таъминлашнинг самарали ҳамда истиқболли йўналишлари — касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш миллий тизими, ишга жойлаштириш, иш стажини ҳисоблаш, меҳнат дафтарчалари ва шартномалари электрон ҳисобини юритиш масалалари ҳам назарда тутилган.

Ҳужжат лойиҳасидаги аутстаффинг тушунчаси иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, аутстаффинг — иш берувчи (юборувчи томон) томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан, ушбу ходимларнинг иш берувчиси бўлмаган жисмоний ёки юридик шахсга (қабул қилувчи томонга), ушбу ходимлар томонидан меҳнат шартномаларида кўрсатилган ўз меҳнат функцияларини қабул қилувчи томоннинг манфаатига бошқарув ва назорати остида вақтинчалик бажариши учун юбориш бўйича фаолият ҳисобланади.

Хўш, мазкур норманинг амалиётга киритилиши фуқаролар манфаатларини қай даражада таъминлайди? Аутстаффинг агентликларини ташкил этиш ортиқча бюрократик тўсиқларни келтириб чиқармайдими?

Соҳа вакиллари ушбу саволларга батафсил жавоб беришди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари меҳнат миграцияси масалаларини комплекс ёритиш ва қонунчиликда рўёбга чиқариш учун алоҳида "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини билдирди. Шунингдек, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ватандошларимизни ижтимоий муҳофаза қилишнинг зарур кафолатларини айни қонун лойиҳасида ифодалаш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Фракция аъзолари меҳнат бозори, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш жойлари ҳақидаги холис ва долзарб маълумотлар базасини ўз ичига олган "Ягона миллий меҳнат тизими" каби электрон платформадан самарали фойдаланиш механизмлари лойиҳага киритилганлигини эътироф этиб, у билан боғлиқ жараёнларни ҳам инобатга олиш таклифини илгари сурди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** вакиллари ишсизлик нафақаси, ишсизларга сарфланадиган ўқитиш харажатларининг минимал чегарасини сезиларли ошириш янги қонун лойиҳасининг муҳим таркибий компонентларидан бўлиши зарурлигига жиддий эътибор қаратди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** вакиллари қонун нормалари, айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги кўламлари ва суръатлари иқтисодий ўсишнинг шиддатли суръатларига, янги иқтисодиёт тузилмасига, тармоқларнинг илғор таркибига тўғри келиши нуқтаи назаридан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Билдирилган таклифлар асосида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга келишиб олинди.

# КОРПОРАТИВ ВА ИНФРАСТРУКТУРА ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЧИҚАРИШ ҲУҚУҚИ КИМЛАРГА БЕРИЛМОҚДА?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги масъул ходимлари иштирокида "Микромолиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган Ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.*

Амалдаги қонун ҳужжатларида фақат акциядорлик жамиятлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, банклар корпоратив облигациялар чиқариши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Лекин корпоратив облигациялар чиқаришга қўйилган амалдаги шартлар ва талаблар ушбу жараёнда аксарият акциядорлик жамиятлари учун қийинчиликларни юзага келтиряпти.

Қайд этилганидек, таклиф қилинаётган лойиҳанинг асосий мақсади корпоратив қимматли қоғозларни чиқаришга қўйиладиган талабларни енгиллаштириш, республикадаги ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, миллий фонд бозори рақобатдошлигини кучайтириш, амалга оширилаётган лойиҳаларга аҳоли ва институционал инвесторларнинг бўш ресурсларини жалб қилиш учун тадбиркорлик субъектларига имконият яратишдан иборат.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар кўзда тутилганини таъкидлади. Хусусан, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларга корпоратив ва инфраструктура облигациялари чиқариш ҳуқуқи берилмоқда. Бу норманинг амалиётга жорий этилиши юртимизда фаолият юритаётган 150 мингга яқин масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларга корпоратив ва инфраструктура облигацияларини чиқариш имкониятини яратади. Бу, ўз навбатида, нафақат ташқи инвестицияларни, балки ички инвестицияларни ҳам иқтисодиётга кенг жалб этиш имконини оширади.

Шунингдек, корпоратив ва инфратузилма облигациялари чиқариш шартлари эндиликда "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар билан эмас, балки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи (Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги) томонидан белгилаш тартиби жорий қилинмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар қаторида молия бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш масалаларига эҳтиёж туғиляпти. Хусусан, микромолиялаштириш жараёнларини халқаро илғор амалиётга мувофиқлаштириш бўйича қонунчилик меъёрларини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўляпти.

Парламент қуйи палатасига киритилган қонун лойиҳаси билан "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 4, 5, 6-моддаларига тегишли ўзгартиш киритиш таклиф этилмоқда.

Депутатлар микромолиялаштириш соҳасини тартибга солиш бўйича бир қатор хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилганига эътибор қаратиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кредит ташкилотларининг салоҳиятини ошириш зарурлигини эътироф этди.

Киритилаётган ўзгартишлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, уларнинг тўлов қобилиятини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг ошишига, энг асосийси, микромолиялаштиришнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилиб, мамлакатда микромолиялаш хизматлари сезиларли даражада кенгайишига ёрдам беради.

Йиғилишда қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишларнинг моҳияти, ҳуқуқий асослари ва долзарблиги депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қўмита билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, уни Қонунчилик палатаси мажлисига киритишни тавсия этди.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

# ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА ҲАҚИҚАТ НАМОЁН

*Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари янги йилнинг дастлабки кунларида Республика ишчи гуруҳи Сирдарё туманида уйма-уй юриб, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш давомида жойларда аёлларни қийнаётган масалалар кўплигини аниқлаганини таъкидлади.*

Ушбу муаммоларни атрофлича ўрганиш ҳамда имкон қадар тезроқ ва жойида ҳал қилиш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллалар кенгаши, "Оила" илмий-амалий тадқиқот ҳамда Маънавият ва маърифат марказлари вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи тузилди ва унинг зиммасига ушбу туманда истиқомат қилаётган хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини яратишни йўлга қўйиш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Кеча Сирдарё тумани ҳокимлигида айни ўрганишлар натижалари юзасидан мутасадди вазирликлар, вилоят ва туман раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. "Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги устувор вазифалар" мавзуидаги ушбу тадбирда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирок этди.

"Давлатимиз тараққий этиб бормоқда, тараққиётимиз ривожи эса иш услубимизни ўзгартиришимизни тақозо этяпти. Уч йил давомида мамлакатимизда нафақат улкан ислоҳотлар амалга оширилди, балки янги қонунлар қабул қилинди ҳамда одамларимизнинг дунёқараши ўзгарди", дея таъкидлади Сенат Раиси.

Йиғилишда қайд этилишича, камбағалликни камайтириш учун хотин-қизларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, уларнинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш назарда тутилган. Ҳар кимнинг қизиқишидан келиб чиқиб, уларнинг ҳунармандчилик, чорвачилик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа шу каби аниқ йўналишларда фаолиятини рағбатлантириш лозим.

Сўзга чиққанлар ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳеч бир мурожаатини эътиборсиз қолдириш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб, бу борада биргаликда амалга ошириладиган аниқ чоралар хусусида фикр билдирдилар.

* * *

Шу куни Сенат Раиси вилоятда Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлиги бўйича яратилган шароитлар билан танишди.

Сўнгра Т. Норбоева халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутатлари билан учрашув ўтказди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётидаги янги босқични белгилаб берганлиги, аслида, бу бутун халқимиз ҳамда дунё ҳамжамиятига қаратилган Мурожаатнома эканлиги айтиб ўтилди.

Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар юзасидан депутатлар зиммасидаги долзарб масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, депутатлар ҳар ойда бир маротаба соҳалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботини тинглаши, ҳар бир комиссия ўз йўналишидаги энг оғриқли масалаларни доимий равишда ўрганиб ва кўриб чиқиб, ҳудуднинг ўзида ҳал бўлмасагина, масалани вилоят, республика миқёсига олиб чиқиши зарурлиги қайд этилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).**

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда йил мобайнида вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз юритилди.*

# МАБЛАҒЛАР МАНЗИЛИГА ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛИШИ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ

Жорий йилда мактабгача таълим, мактаб, олий таълим тизимида кўплаб ислоҳотлар рўёбга чиқарилиши қайд этилди. Жумладан, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 25 фоизга ва келгусида 50 — 60 фоизга етказиш, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтириш, шунингдек, қизлар учун алоҳида грант ажратиш вазифаси Мурожаатномада аниқ белгилаб берилган.

Сенаторлар ўз вилоятларида бу топшириқлар қандай бажарилаётганини назоратга олиб, тегишли сайёр мажлисларни ҳудудларда ўтказиш таклифини беришлари лозимлиги таъкидланди.

— Бундан ташқари, Сенат аъзолари Давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириши зарур, — деди қўмита раиси Бахтиёр Сайфуллаев. — Чунки ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, етарлича назорат қилинмагани боис "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури доирасида ажратилиши керак бўлган миллиардлаб маблағлар тегишли жамғармага ўтказиб берилмаган ва шу сабабли ташаббускор, тадбиркор ўғил-қизларга етиб бормади. Мажлисда қўмита аъзолари давлат томонидан ёшлар, маданият ва спорт соҳаларига ажратиладиган маблағлар манзилига ўз вақтида етказилишини қатъий назоратга олиб, бу борада ҳамкор ташкилотларга ёрдам бериш зарурлиги хусусида ҳам сўз борди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжудлиги, аммо туризм йўналишларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлиги танқид остига олингани мажлисда айтиб ўтилди. Ҳукуматга зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш учун уч ой муддат берилди. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш, уларни назоратга олиш айнан Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ҳам бевосита вазифасига кириши мажлис иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Бу борада гап кетганда, қўмитанинг ўтган йилги назорат-таҳлил фаолиятидан келиб чиқиб, юртимиздаги айрим моддий-маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Юзлаб объектларнинг чегара ҳудудлари белгиланмаган, муҳофаза белгилари ўрнатилмаган. Ушбу йўналишлардаги вазифаларни ҳал этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).**

# ҚИЛИНАЁТГАН БАРЧА РЕЖАЛАР ЯҚИН ОРАДА ЎЗ НАТИЖАСИНИ КЎРСАТАДИ

*Ҳозирги вақтда барча соҳалар қаторида илм-фанни янги босқичга кўтариш замон талабларидан биридир. Зеро, жамият олдида турган долзарб масалалар ечимини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм-фанга катта эътибор бериб, фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, таълим тизими ҳамда инновацион иқтисодиёт тараққиётини ривожлантириш кераклигини таъкидлаган эди.*



**Сенатор минбари**

Шу билан бирга, мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизнинг чуқур билим олишлари, уларни юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш кераклигини айтиб ўтди. Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган ишларни жадал давом эттириш мақсадида 2020 йилни юртимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номлашни таклиф қилди. Буни халқимиз катта мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Кеча давлатимиз раҳбарининг олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан учрашувида ҳам бугунги кунда юртимиз илм-фани олдидаги энг муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Биз илм аҳли соҳага кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан ниҳоятда мамнунмиз. Зеро, юртимизда илм-фанни ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки Юртбошимиз илмли ёшларни камолотга етказишда таълимни боғчадан бошлаш кераклигини кўрсатиб, бир қанча вазифаларни ҳам белгилаб берди. Шу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида Ўзбекистонда биринчи маротаба Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, бугун келажак авлодга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашда мактаб таълими, олий таълим катта ўрин тутади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқитиш ва йўналишларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Фанлар академияси етакчи олимлари билан учрашувда ҳам илм-фан ютуқлари — тараққиётнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу эса мамлакатимиз зиёлилари, илм-фан фидойилари, олимларга билдирилаётган ишонч ва улкан масъулиятдир.

Юртимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Ҳозирги кунда улар ўз мактабларини яратиш, муносиб давомчилар, шогирдлар тарбиялашда кенг имкониятларга эга. Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, илмий текшириш институтларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағ ажратилди. Бу эса олимларимизнинг ўзи олиб бораётган тадқиқотлар, илмий изланишларида катта муваффақиятларга эришиб, инновацион ғояларни яратишига имкон беради.

Жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўтган йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан бир қанча ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилди. Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш кераклиги хусусида аниқ кўрсатмалар берилди.

Олимлар билан учрашув жараёнида Президентимиз жаҳон бозори ва илм-фанидаги тенденцияларни кўрсатиб ўтиб, агро ва биотехнологиялар, озиқ-овқат, шу жумладан, фудо-микс, био-тиббиёт ва фарма-биотехнологиялари йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида топшириқ берди.

Мамлакатимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг рақамли давлат кадастрини йўлга қўйиш зарурлиги хусусида сўз борди. Бу юқори даражадаги илмий тадқиқотларни режалаштириш, биологик муҳофаза чораларини белгилаш, соҳа ривожига оид муҳим амалий қарорларни қабул қилиш учун имконият яратади. Демак, илм-фаннинг бу тармоғи ривожи учун ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Юртбошимиз иқтисодиётимизнинг барча соҳаси тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз, биринчи галда, Фанлар академияси ва олимларга суянишини, фан ҳамда ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки илм-фан ривожланган давлатда юксалиш бўлади. Буни тараққий этган давлатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Ишончимиз комилки, қилинаётган режалар яқин орада ўз натижасини кўрсатади. Халқимиз ва авлодларимиз жаҳон илми тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган ва бундан кейин ҳам муносиб тарзда қўшади.

**Шомансур САГДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, сенатор.**

# ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА НУР ОЛИБ КИРДИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси бутун ўзбек халқининг кўнглига нур олиб кирди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир каломи замирида инсон манфаатлари устуворлиги, унинг истиқболи, фаровон ва муносиб турмуш кечириши каби улуғвор тушунчалар мужассамдир.*



**Муносабат**

Юртбошимиз Мурожаатномада соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларнинг ҳам қатъият билан давом эттирилишини таъкидлади. Демак, бундан кейин ҳам эл саломатлиги эътиборимиз марказида бўлади.

Аввало, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми кучайтирилади. Халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришга алоҳида тўхталган Президент жорий йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилишини қайд этди. 281 тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмлари жорий этилади.

Бу мамлакат етакчисининг ўз халқи соғлиғига чексиз ғамхўрлик кўрсатишининг, таъбир жоиз бўлса, уни нақадар севишининг ёрқин ифодасидир. Бу инсон қалбига энг яқин йўлдир.

Айтиш жоизки, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини бугунги даражага олиб чиқиш учун узоқ муддатли йўл босган. Масалан, Францияда тиббиётни ислоҳ қилиш 60 йил давом этган бўлса, Жанубий Кореяда бунга 40 йил вақт сарфланган. Туркия эса бошқа мамлакатлар тажрибасидан етарли ибрат ва хулоса олиб, 10 йилда тиббиётини "изга туширган".

Ўзбекистонимизда ана шундай илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб ва миллий тажрибамиздан келиб чиқиб, 7 йил муддатда, яъни 2019 — 2025 йилларда соғлиқни сақлашни тубдан ислоҳ этишдек улкан мақсад қўйилган.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, ана шу эзгу мақсад йўлидаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда.

Соҳада кеча аҳвол қандай эдию бугун нималар ўзгаряпти ва истиқболда қандай янгиликларни кузатиш мумкин?

Аввало, кадрлар масаласидаги мавжуд муаммолар ҳал қилинади. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 27 январь куни ўтказилган йиғилишда тиббиёт ва илм-фан соҳаларидаги долзарб масалалар таҳлил қилиниб, мутасаддиларга энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Соҳадаги кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 900 нафар умумамалиёт шифокори, тор мутахассисликлар бўйича 10 минг нафар кадр етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Энди давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисида билдирган ўринли ва танқидий фикрларини тан олайлик.

Дарҳақиқат, тизимда муаммолар кўп. Соҳада давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, биронта лойиҳа ишга туширилмаган. Шунингдек, онкологик, эндокринологик ва юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш бўйича ишларнинг аҳволи талаб даражасида эмас. Энг ачинарлиси, айрим тиббиёт масканларининг ўзи инфекция тарқалиш манбаи бўлиб қолмоқда.

Бундай муаммолар соҳада қалашиб ётибди. Буни халқимиз кўриб, билиб турибди. Савол туғилади: нима қилмоқ керак?

Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси тиббиётни ислоҳ қилишнинг янги лойиҳаларини тайёрлаб, соҳани тубдан янгилаши мумкин бўлган қонунларни ишлаб чиқиши, назоратни кучайтириши, одамларда тиббиётга бўлган муносабат ва шифокор ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга, шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббусларнинг ҳаётда ўз ифодасини топишини таъминлаши зарур бўлади.

Акс ҳолда эскича манзара сақланиб қолади.

**Наврўз РИЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Акс садо



*Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси, том маънода, тарихий воқелик бўлди. Унинг тарихийлиги шундаки, Президентимиз мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ҳамда вазифаларни белгилаб бериш асносида, қўлга киритилган ютуқлар қаторида, йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида тўхталди. Уларни бартараф этиш йўлларини ва чора-тадбирларини аниқ-тиниқ кўрсатиб берди.*

*Коррупция илдиз отаётган соҳалар, ёшлар таълим-тарбиясида учраётган оқсоқликлар, аҳоли камбағал қатламининг қаддини тиклашига кўмаклашиш... Юртбошимиз бу долзарб масалаларга тўхталганда, залда ўтирганлар бир-бирига қаради. Нигоҳлардан шунча дардимиз бор эдию, аммо уни айтишга шу вақтга қадар ҳеч биримизнинг журъатимиз етмасди, деган фикрни англаш мумкин эди.*

# «ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ»

## ВИЖДОНИМИЗНИ УЙҒОТИБ, ҚУРУМ БОСГАН ЗЕҲНИЯТИМИЗНИ ТОЗАЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда, турли иллатлардан холи, фаровон, одил жамиятни қуришда энг муҳим "ричаг" — ҳар биримиз ўзимизни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлашимиз кераклигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, айнан ҳалоллик шу вақтга қадар миллатга азоб бериб келаётган дардларга малҳамдир. Ҳалоллик шундай бир сеҳрли калитдирки, айнан у тараққиётимизга ғов бўлиб келаётган эшикларни очади. "Ҳалоллик вакцинаси" виждонимизни уйғотиб, қурум босган зеҳниятимизни тозалайди.

Президентимиз билдирган фикрлар, илгари сурган ташаббус ва ғоялар маданият соҳасидаги ишларнинг ҳам, том маънода, ядроси бўла олади. Масалан, ишга ҳалол ёндашиш, ҳалол яшаш, виждон амрини ҳаёт тамойилига айлантириш борасидаги фикрларни олайлик. Ҳалоллик аслида маданият дегани-ку! Инсон ҳалол бўлиши учун унда, аввало, ички маданият бўлиши зарур.

Шундай экан, биз, маданият ходимлари ислоҳотни, биринчи ўринда, ўзимиздан бошлашимиз шарт. Биз тизимни шундай ҳолатга келтиришимиз керакки, музей, кино, театр, санъат мактаблари, истироҳат боғлари, маданият даргоҳлари тарбия ўчоғи бўлиши, улар одамлар учун маънавий ҳалоскор масканларга айланиши зарур.

**Одамлар кўряпти-ку, деб, қайнона-келин можароларидан нарига ўтолмайдиган фильмларни суратга олаверадиган, томошабинлар кулса бўлди, дея бачкана мавзулардаги спектаклларни саҳналаштирадиган, мазаматрасиз, тутуриқсиз сўзларни тизиб, тумтароқ жумлаларни ҳам қўшиқ қилиб куйлайверадиган замонлар ўтди энди. Бугун одамларнинг кўзини очадиган, мудраган қалбларни уйғотадиган, ҳаётга, Ватанга муҳаббатини оширадиган, бунёдкорликка ундайдиган асарлар яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Олдимизга баланд марраларни қўйиб, юксак орзу-мақсадлар учун ҳалол меҳнат қилмасак, олиб борилаётган бугунги ислоҳотлардан орқада қолиб кетамиз. Халқимиз, Президентимиз олдимизга қўяётган талабларга жавоб бера олмаймиз.

Тарихимизнинг ойдин лаҳзалари шундай хулоса берадики, саҳна доимо томошабинлардан баланд бўлган, кинотасмаларга инсонни эзгуликларга эргаштиргувчи ғоялар муҳрланган, куйқўшиқларда юртдошларимизнинг дарду қайғулари, орзу-армонлари, ишончумидлари тараннум этилган. Бу жиҳатлар барчамизга ўрнак, ибратдир.

Юртбошимиз нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият муҳимлигини, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлишини қайд этди. Шарқ донишмандларининг "Энг катта бойлик — бу ақлзаковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!", деган ҳикматини алоҳида таъкидлади.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда ҳаммамиз замонавий билимларни ўзлаштиришни, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишни узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айлантиришимиз керак. Шундагина Президентимиз таклифи билан ном олган жорий — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида олдимизга қўйилган топшириқ ҳамда вазифаларни уддалай оламиз.

Мурожаатномада маданият соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар янгича руҳда, шиддат билан давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, бу йил маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилади, янги кинотеатрлар қурилади.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда "Кинематография тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи бор Халқаро мақом санъат анжуманининг ўтказилиши маданий ҳаётимиздаги муҳим воқелик бўлади.

Шу ўринда қайд этиш кераккки, ушбу анжуман аждодларимиздан бизгача етиб келган нодир мусиқа меросимизни тарғиб қилиш, уни жаҳон миқёсида тараннум этишга имконият яратмоқда. Биз, санъат аҳли, халқимизнинг илғор зиёлилари ёшларда мақом санъатига тўғри муносабатни шакллантириш учун ушбу маданий меросимизнинг сеҳрли кучини, жозибасини, улуғворлигини уларнинг онгу қалбига етказиб бера олишимиз зарур.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

**Хўш, ҳозирги кунда нима учун жадидчилик ҳаракатини, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак? Президентимиз ўз чиқишида бу саволга лўнда қилиб жавоб берди: "Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади".**

Бугунги глобаллашув шароитида турфа маданиятлар тўқнаш келмоқда. "Оммавий маданият" деган иллат онгу қалбимизга, ҳаётий қарашларимизга чанг солаётир. Тан олишимиз керак: баъзида осонгина мўмай даромадга эга бўламан, обрў орттираман, деб, ҳар хил васвасаларга учаётганимиз, сохтакорлик, дабдабабозлик ортидан қуваётганимиз ҳам бор гап. Булар халқимизнинг азалий қадриятларига мутлақо тўғри келмаслигини, айниқса, эртамиз эгалари — ёшлар тафаккурига ўта салбий таъсир этишини доим ҳам англай вермаймиз. Ёки англасак ҳам алдамчи тасаввурлар, ҳою ҳаваслар устун келади. Лекин, бир нарса аниқки, вақт ҳаммасини — сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Шундай экан, бугун виждонсизлик қилсак, саҳнага хиёнат этсак, сўзнинг қудратини менсимасак, келажак авлод бизни кечирмайди. Бу аниқ!

Айтиш мумкинки, бугун ҳар бир маданият ходими адолат "тўни"ни кийиши, маърифат "қиличи"ни кўтариши лозим. Қилич деганда, одатда, тасаввурга қон келади. Адолат "қиличи" шафқатсиз бўлади, керак бўлса, ҳақиқат йўлида одамни ўлдиради. Аммо маърифат "қиличи" ҳеч қачон қон тўкмайди. У даволайди, тарбиялайди, юксалтиради, вакцина айнан шудир. Вакцина одамни ўлдирмайди, аксинча, дардига шифо бўлади. Шу маънода, бизнинг қўлимиздаги "қилич" ҳам жамиятни жароҳатсиз даволашга, турли иллатлардан тозалашга хизмат қилади. Мана шу позиция — маданият позицияси.

**Вазифамиз фақатгина бирор ерда концерт ўтказиб келиш ёки мана бу тарихий обидани таъмирлаб қўйдик, деб гердайиш эмас, айнан "ҳалоллик вакцинаси"ни жамият онгига сингдиришдир. Руҳий тарбияни биз олиб боришимиз керак. Маданият аслида шу. Маданият, бу — қонун. Шу ўринда маданиятли одам ким, деган савол туғилади. Ўзини нималардандир чеклай олган, ўзига тақиқ қўя олган ва ўзини қайсидир эзгу ишга мажбур қила олган одам — маданиятли одам. Ўз олдига муайян тақиқ ва вазифа қўя оляптими, ана ўша инсон турли нопок ишларга аралашмайди.**

Қонунга итоаткор одам — маданиятли одам. Бундай инсонларнинг ҳаёт тамойилида эзгулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, адолат устувор бўлади. Бу инсоний ақида бизда уфуриб туриши керак. Ҳар бир ходимимизнинг муомаласидан тортиб, юриш-туришида, иш фаолиятида қатъий дастур бўлиши керак. Шундагина халқнинг маънавий халоскори бўлиб, жамиятда ўз ўрнимизни топа оламиз.

Одамларнинг уйига куч билан эмас, айнан маърифат билан, маданият билан кириб боришимиз зарур. Одам боласига қандай куйинса, жамиятга ҳам шундай куйинишимиз лозим.

Мурожаатномада билдирилган фикрлар, мулоҳазалар, ҳаётбахш ташаббуслар ҳар биримизни ана шундай мушоҳадаларга ундайди, эртамиз бугундан-да ёруғ, фаровон ва бахтли бўлишига ишончимизни мустаҳкамлайди. Қалбимизни шу юрт фарзанди эканимиздан фахр-ифтихорга тўлдиради. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлади.

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири.**

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# Комил инсон кароматлари



*Президентимиз таклифи билан жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном берилиши бутун халқимизнинг кўнглини кўтариб юборди. Чунки дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган юртимизда илм-фан, маърифат ва маънавият азалдан эъзозланган.*

*Ёшларни замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишга тарғиб этиш буюк аждодларимиз фаолиятининг асосини ташкил қилади. Жумладан, улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий асарларида илм-маърифатли инсон образи кенг тараннум этилади.*

*Шоир бутун ҳаёти давомида комилликка интилган, атрофидаги инсонлардан ҳам камолот излаган. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад шоир наздидаги ана шундай эзгу фазилатли, илм-маърифатли инсонлар эди. Навоий уларга бағишлаб асарлар ёзди.*

Бироқ "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларини фақат бу зотларни улуғлаш, мадҳ этиш мақсадида эмас, балки уларнинг ҳаёт йўли, аъмоллари мисолида камолот йўлини бошқаларга ҳам кўрсатиш учун ёзилган эди.

Илм-маърифатга интилиб яшаш, жисмонан ва маънан юксакликка эришишда ғайрат-шижоат кўрсатиш улуғ бобомиз ижодининг дастлабки паллаларидаёқ бош масала сифатида кўтарилади. Ҳазрат Навоий ўзи тузган илк девони — "Бадоеъ ул-бидоя" дебочасида шундай дейди:

***Тухм ерга кириб чечак бўлди,***
***Қурт жондин кечиб ипак бўлди.***
***Лола тухмича ғайратинг йўқми?***
***Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?***

Бу мисралар замирида инсонларни интилиб ва изланиб яшашга, ғайратшижоат ҳамда ҳиммат кўрсатишга даъват бор. Шоир мазкур девони дебочасида унинг таркибидаги шеърлар ҳақида гапириб, уларнинг маърифатга, маърифий ғояларга йўғрилганини, маърифий мазмунсиз ёзилган шеър қадрсиз, унга сарфланган вақт хайф, деб таъкидлайди. Демак, дастлабки девонданоқ ижодий мақсад, йўл белгилаб олинган эди.

Хўш, Алишер Навоий айтаётган маърифатнинг ўзи нима? Шоир наздида, маърифат — инсоннинг ўзини англаши, дунёни танишидир. Ўзини таниган, дунёни англаган инсон Ҳақни танийди, ҳодисалар моҳиятига етади. Бу, ўз навбатида, инсонни тўғри — ҳалол, пок ва ўзгалар ғами билан яшашга ўргатади.

Бадиий ижодда, айниқса, Шарқ адабиётида идеал тимсол яратишга уриниш кучли. Шоирлар манзара, воқеа-ҳодисаларни фақат ўзи кўришни истаётгандек талқин қилади. Аслида, ёр тавсифи, ошиқ изтироблари, воқеаларнинг бўрттириб тасвирланиши замирида кўп мақсадлар ётади. Алишер Навоий асарларида эса улар улуғ мақсадлар учун хизмат қилган. Масалан, гўзал ёр, ошиқ, вафодор дўст, адолатли ҳукмдор кўп шоирлар ижодида қўл етмас хаёлий образларга айланган. Ҳазрат Навоий бадиий тасвирида ҳам бундай жиҳатларни истисно этиб бўлмас. Бироқ улуғ мутафаккир фақат анъанани давом эттирмади. Балки анъана чамбарида туриб, янгилик яратди. Буни "Хамса" достонларидаги Фарҳод, Суҳайло, Суқрот, Хизр, Навфал, Ахий, Искандар ва бошқа тимсоллар мисолида кўриш мумкин. Уларнинг бири — дунё мифологиясига, иккинчиси — фольклорга, яна бири — тарихга, бошқаси — диний тафаккурга бориб туташади. Фарҳод, Искандар — илм-маърифатга интилган сиймолар бўлса, Суқрот — комиллик кўзгуси, Хизр, Сухайло — бу йўлдаги раҳнамолар, Ахий — комилликка футуввати боис эришган улкан қалб эгаси. Шарқ адабиётида анъанавий мазмун касб этган бу сиймолар Навоий ижодида ўзгача моҳиятга эга. Уларнинг оёқлари заминдан узилган эмас.

Навоийнинг улкан асари — "Хамса"нинг мазмун-моҳиятини очишга дастур бўлиб хизмат қиладиган "Ҳайрат ул-аброр" достонининг илк мақолоти ушбу байт билан бошланади:

***Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,***
***Билки, нишони анга имон эрур.***

Байтдан англашилмоқдаки, инсон деган номга фақат имонли одам мушарраф бўлиши мумкин. Имон тушунчасининг замирида эса улкан маънолар мужассамки, унга эга бўлиш учун бу дунёда минглаб синовлар ичида яшаш керак. Бежиз ушбу мақолотга улуғ бир шайхнинг бу дунёдан бирорта инсон номига лойиқ зотни тополмай ғамгин яшаб ўтаётганлиги ҳақидаги ҳикоя илова қилинмаган. Ушбу (Диогеннинг кундузи чироқ кўтариб инсон излаб юришини ёдга солувчи) ҳикоядан мақсад — комил инсон эди. Шоир ҳаммамизга ёд бўлиб кетган бир қитъасида таъкидлаганидек, инсон бу дунёга камол касб этиш — комилликка эришиш учун келади. Инсоннинг дунёда шу мақсадига эришмасдан ўтиши ҳаммомга кириб, ўзини покламасдан чиқиши билан баробардир.

Бу борадаги фикрлар шоирнинг бошқа достонларида изчил давом эттирилган. Жумладан, "Хамса"нинг якунловчи достони "Садди Искандарий"да Искандардек жаҳонгирнинг бир дарвеш суҳбатидан сўнг шоҳлик рутбасидан кечиб, дарвешликка мойил бўлишида катта ҳикмат бор. Бу Навоийнинг зоҳиран шоҳ бўлганларнинг ботини урён — молдунёга муҳаббатсиз бўлишига ишораси эди. Албатта, Искандар халқнинг раъйига қараб тахтга ўтирди, бироқ ботинида у дунёнинг моҳиятини англаб улгурганди. Шу боис вафот этиш чоғида Искандар онасига мактуб битиб, видолашар экан, қайта яшаш имконияти берилса, умрини фақат онаси хизматида ўтказишини айтади. Бу дунёни эгаллаган ва уни таниган Искандарнинг иқрори эди.

Жаҳонни забт этган Искандарнинг васиятлари эса Навоийнинг инсон ва жамият ҳақидаги идеал орзуларини намоён қилади. Достонда бадиий воқеликка асосланиб айтган ушбу фикрларининг ҳаётда рўй беришига ҳам ишонган шоир Ҳусайн Бойқарога бағишланган бир ғазалида у зотни шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳи, деб таърифлайди.

Алишер Навоий комиллик ҳақидаги орзуларини ҳамиша халқнинг бахтли ҳаёти билан боғлайди. Зеро, ўзини англаган, илм-маърифатли инсонгина ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга, халқнинг дардига малҳам бўлишга, яратувчанликка қодирдир. Шу ўринда, айтиш мумкинки, буюк мутафаккир ўз ҳаётини ҳам ана шундай эзгу ғоялар асосига қурди. Умрининг ҳар бир дақиқасини эл хизматига сарфлади. Тинимсиз ижод қилди. Туркий тилнинг улуғлигини асарлари мисолида исботлади. Масжид, мадраса, шифохона ва бошқа иншоотларни қуриб, ҳовуз ва ариқлар қаздирди... Комил инсон, аслида, Навоийнинг ўзи эди.

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

# ЎЗБЕК БОКСЧИСИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



*Профессионал бокснинг иккинчи яримengил вазн тоифаси вакили ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев 31 январь тонгида АҚШнинг Майами шаҳрида икки йўналиш бўйича жаҳон чемпиони бўлиб турган америкалик Даниэль Романга қарши жанг ўтказиб, тарихий ғалабани қўлга киритди.*

Тарихий дейишимизга эса тўла асос бор. 12 раундлик жангда амалдаги чемпионни очколар эвазига мағлубиятга учратган Муроджон Аҳмадалиев ғалабаси ортидан бир йўла иккита энг нуфузли — WBA Super ва IBF йўналишларида жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритди.

Бу натижани мустақил Ўзбекистон тарихида ҳали ҳеч бир боксчи қайд эта олмаганди. Эътиборлиси, Муроджон профессионал боксда, бор-йўғи, саккизта жанг ўтказиб мана шундай оламшумул натижага эришди. Бунақаси дунё бокс тарихида фақатгина бир марта, унда ҳам бундан 42 йил олдин америкалик Леон Спинкс томонидан қайд қилинганди. Спинкс ҳам 8 жангдан сўнг икки йўналишда чемпион бўлган.

"Мен бу йўлни босиб ўтиш учун 17 йил давомида шуғулланиб келдим. Орзулари бир дунё оддий қишлоқ йигити бокс тарихига кириш, Ўзбекистон номини бутун дунёга яна бир карра ёйиш учун тер тўкдим ва шукрки, бугун мақсадимга эришдим. Бу йўлда менга ёрдам берган барчага миннатдорлик билдираман", деди Муроджон жангдан кейин ўзининг қувонч кўзёшларини яшира олмасдан.

Ғалабадан сўнг Чустнинг Сероб маҳалласидаги боксчи туғилиб ўсган хонадон байрам маконига айланди.

— Оиламизда шундай одат шаклланган, Муроджоннинг жангларини телевизор орқали бирор дақиқасини қолдирмасдан кузатиб борамиз. Майамидан узатилган репортажни ҳам вужудимиз кўзу қулоққа айланган ҳолда томоша қилдик. Билсангиз, 83 ёшли отам, 81 ёшли онам ҳам набираларининг рингдаги ҳаракатларидан асло кўз узишмади. Ўғлимнинг рақиб устидан ғалаба қозониб, Ўзбекистон бокси тарихида янги саҳифа очгани, жаҳон боксидаги узоқ йиллик рекордни янгилаган чоғдаги кайфиятимизни сўз билан ифодалаш қийин, — дейди чемпионнинг отаси Қаҳҳоржон ака Аҳмадалиев.

Сўнгги Олимпиада ўйинларида 3 та олтин, жами 7 та медални қўлга киритган боксчиларимиз энди бу зафарли юришларини профессионал боксда ҳам давом эттиришмоқда. Ўша Олимпиада қаҳрамонларидан бири Муроджон Аҳмадалиев бугун Ўзбекистон нафақат ҳаваскор, балки профессионал боксда ҳам нималарга қодирлигини исботлади. Ишонамизки, бу янги Ўзбекистоннинг спортдаги янги қадамлари дебочаси, бошланиши бўлади. Қолган спортчиларимиз ҳам худди Муроджондек тарихий натижаларни қайд этиб, Ўзбекистон байроғини юқорига кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшади.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОН

**Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти**

*2019/2020 ўқув йилига доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари бўйича танлов эълон қилади.*

**Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:**
- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр;
- Автомобиль йўллари қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Кўприклар, тоннеллар ва йўлўтказгичлар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр;
- Шаҳар йўллари ва кўчалари кафедраси: катта ўқитувчи;
- Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш кафедраси: катта ўқитувчи;
- Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр;
- Табиий фанлар кафедраси: ассистент;
- Ижтимоий фанлар кафедраси: доцент, ассистент.

**Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:**
- Экология ва ички ёнув двигателлари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент;
- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозлари кафедраси: ўқитувчи-стажёр;
- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозларини таъмирлаш ва эксплуатацияси кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр;
- Автомобиль транспорти эксплуатацияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- Транспорт логистикаси кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр;
- Тиллар кафедраси: ўқитувчи;
- Амалий механика кафедраси: ассистент;
- Транспорт воситалари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.

**Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:**
— ректор номига ариза;
— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— маълумотнома (объективка);
— диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ва илмий унвони нусхалари;
— малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
— илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
— паспорт нусхаси.

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.**

**Эслатма:** **мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.**
**Манзил:** **Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.**

58J/46

# УЙИНГИЗДА ТУРИБ ҲАМ МУЛК СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН



*Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКда пресс-тур ташкил этилди. Унда “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси платформасини янада такомиллаштириш, фойдаланувчи ва аукцион иштирокчилари учун қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.*

## Пресс-тур

Таъкидлаш керакки, “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш мақсадида йўлга қўйилган муваффақиятли лойиҳалардан биридир.

Ҳозирги пайтда мазкур савдо майдончасида давлат активлари (баҳоланган нархдаги давлат мулки объектлари, бўш турган давлат бинолари, корхоналардаги давлат улушлари), тадбиркорлик ва уй-жой қуриш учун ер участкаларига бўлган ҳуқуқ, кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари, махсус техника ва асбоб-ускуналар, дарёлар ўзанларини тозалашга бўлган ҳуқуқ, ҳудудларни санитария жиҳатдан тозалаш учун рухсатнома, қимматбаҳо металлар ҳамда норуда материалларни қазиш ҳуқуқи, Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги участкалар реализация қилинади ҳамда республика бўйича давлат мулки объектлари ижарага берилади.

Қолаверса, жисмоний ва юридик шахслар ҳам ўз мол-мулкларини ягона электрон савдо майдончаси орқали реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Шу пайтга қадар “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали бошланғич баҳоси 771 миллиард 100 миллион сўм бўлган жами 15,3 мингга яқин мол-мулклар аукцион савдоларида 942 миллиард 800 миллион сўмга сотилган.

Энг муҳими, ягона электрон савдо майдончасида аукционлар очиқ ва шаффоф, инсон омили аралашувисиз ўтади. Бу эса турли коррупция ҳамда бюрократик ҳолатларнинг олдини олишга, фуқароларнинг тенг иштирокига, тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, ягона электрон савдо майдончасида ҳамма жараёнлар очиқ-ошкора тарзда амалга оширилади. Энг афзал жиҳати, марказда шундай тизим жорий этилганки, мол-мулкни уйдан чиқмасдан туриб сотиш ва сотиб олиш мумкин.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

**«Халқ сўзи».**

MIKROKREDITBANK

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан 2019 йилда аҳолини тадбиркорликка жалб этишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида **38 305** мижозга **906 млрд. сўмлик** имтиёзли кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлашга **757,4 млрд. сўмлик кредитлар** йўналтирилиб, **714 та лойиҳа** ишга туширилди, **6423 киши бандлиги** таъминланди.

Банк активлари йил давомида **1 972,0 млрд. сўмга** ёки 60 фоиз ошди.

Бир йил давомида мижозлар банкка келмасдан туриб, ўз мобил телефонлари орқали молия муассасасининг **17,8 млрд. сўм** кредитидан фойдаланган.

# ТАДБИРКОРЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

*Тадбиркорлик — иқтисодиётни ривожлантирувчи энг муҳим куч. Шу маънода, мазкур соҳа қанчалик қўллаб-қувватланса, ишбилармонларимиз ўз лойиҳаларини кўпроқ ва тезроқ рўёбга чиқаришса, жамият учун фойдалидир. Бу орқали, аввало, одамлар бандлиги таъминланади, даромади кўпаяди, турмуш даражаси яхшиланади. Иқтисодиётимиз рақобатдошлиги ортиб, истеъмол бозоримиз сифатли маҳсулотлар билан бойийди.*

## Молия муассасаларида



“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилаётган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳақда молия муассасаси томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Таъкидландики, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки юртимиздаги жадал ривожланаётган, аҳолига барча турдаги банк хизматларини тақдим этаётган молия муассасаларидан бирига айланмоқда. Шу мақсадда банк томонидан ўтган йили фуқароларга кредитларни янада соддалаштирилган тартибда бериш, мижозларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қанча янги кредит турлари ҳамда хизматлар амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, банкнинг молиявий барқарорлиги ва даромадлилигини ошириш борасида қатъий назорат ўрнатилиши туфайли банк активлари йил давомида 1 972,0 млрд. сўмга ёки 60 фоиз ошди. Бундан ташқари, 2019 йил давомида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишга қаратилган дастурлар ижросида энг фаол иштирокчилардан бири бўлди. Пировардида 38 305 мижозга 906 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Уларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ҳунармандчилик учун 626 мижозга 22,0 млрд. сўм, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 32 553 мижозга 650,0 млрд. сўм, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича 2 938 мижозга 69,0 млрд. сўм, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш учун 814 мижозга 16,7 млрд. сўм, “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури доирасида 362 мижозга 125,0 млрд. сўм молиявий мадад берилгани аён бўлади, — дейди банкнинг Кредит фаолиятини ташкил қилиш департаменти директори ўринбосари Улуғбек Абраҳматов. — Албатта, бугунги жадал тараққиёт даври доимий изланишни талаб этади. Бусиз бирор-бир натижага эришиш қийин. Буни яхши англаган банк вакиллари кейинги йилларда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида кредитлаш фаолиятини соддалаштиришга, маблағ ажратиш жараёни тезкорлигини оширишга катта аҳамият қаратмоқда.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида барча тижорат банклари томонидан қуёнчилик билан шуғулланувчи **4 397** та юридик ва жисмоний шахсга қарийб **101,1 млрд. сўмлик** имтиёзли кредитлар ажратилди. Республикада наслли қуёнларни кўпайтириш мақсадида ўтган даврда жами 4 570 бош наслли қуён олиб келинди. Жумладан, “Микрокредитбанк” томонидан эса қуёнчилик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами **1 316** мижозга **62,4 млрд. сўмлик** кредитлар берилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида қуёнчиликка ихтисослаштирилган **122** та хўжалик ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида умумий қиймати 2,0 трлн. сўмлик жами 847 та лойиҳага 757,4 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилиб, 714 та лойиҳа ишга туширилди, 6 423 киши даромад манбаига эга бўлди.

Банк жамоасининг аҳоли орасига чуқур кириб боришида, мижозлар билан алоқалар мустаҳкамланишида инфратузилма муҳим аҳамият касб этади. Яъни бугунги кунда молия муассасасининг 71 филиали, 25 та “Банк хизматлари маркази” ҳамда 55 та минибанки томонидан 500 мингдан ортиқ аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига банк хизматларидан фойдаланиш имконияти таъминланмоқда.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” томонидан амалиётга жорий этилган “MKB Mobile” мобил иловасидан доимий фойдаланувчилар сони ортиб боряпти. Ушбу иловада пластик картадан картага пул ўтказиш, кредитни сўндириш, коммунал тўловларни тўлаш, конверсия амалиётларини бажариш функциялари яратилган. Маълумотларга кўра, ўтган бир йил ичида мижозлар банкка келмасдан туриб, ўз мобил телефони орқали кредит олишлари учун 17,8 млрд. сўм ажратилган.

Жорий йилда давлатимиз раҳбари томонидан банк тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш орқали мижозларга янада қулайликлар яратиш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадида тизимда ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда “модулли” кредитлаш асосида янги кредит турлари жорий қилинади.

Матбуот анжуманида истиқболдаги бошқа режалар ҳам айтиб ўтилди.

**Д. МУРОДОВ.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
















Тошкент давлат стоматология институти жамоаси профессор
**Акрам ЮЛДАШЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 068 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6